



**ДАВЛАТЛАРАРО СУВ ХЎЖАЛИГИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ  
ИЛМИЙ-АХБОРОТ МАРКАЗИ**

**СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИНИНГ  
МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ  
бўйича**

# **ТАВСИЯЛАР**



**Сув истеъмолчилари уюшмаларининг молиявий ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар.** Мўминов Ш., Маматов С. / Тошкент, 2017 - 12 б.

Тавсияларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган сув истеъмолчилари уюшмаларининг молиявий аҳволини яхшилаш, хусусан уюшма томонидан сув истеъмолчиларига кўрсатиладиган сув етказиб бериш хизматлари учун тўловлар миқдорларини белгилаш, сув етказиб бериш хизматини кўрсатиш учун шартномавий муносабатлар ва кўрсатилган хизмат учун ҳақларни ундириш бўйича тавсиялар ёритилган.

Тавсиялар Давлатлараро Сув хўжалигини Мувофиқлаштириш Комиссияси Илмий ахборот маркази (НИЦ МКВК) томонидан олиб борилаётган таҳлилий – тадқиқотлар натижаси сифатида тайёрланган ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги Бош бошқармаси томонидан сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятида фойдаланиш учун тавсия қилинган.

Тавсиялар қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари мутахассислари, сув истеъмолчилари уюшмалари мутахассислари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари, шунингдек соҳа йўналишида таҳсил олаётган талабалар ва муаммо билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Муаллифлар тавсияларни тайёрланишида ўзларининг қимматли маслаҳатлари билан катта ёрдам берган иқтисодчи-мутахассислар Ч. Зикрияев ва Б. Гоженколарга ўз миннатдорчиликларини изҳор этадилар.

© Давлатлараро Сув хўжалигини Мувофиқлаштириш Комиссияси Илмий ахборот маркази (НИЦ МКВК), 2017 йил

## **Сув истеъмолчилари уюшмаларида сув етказиб бериш хизматлари учун тўловлар миқдорини белгилаш**

Сув истеъмолчилари уюшмасининг (уюшма) сув етказиб бериш хизматлари учун сув истеъмолчилари томонидан тўланадиган тўловнинг (бадалнинг) қиймати уюшманинг йиллик молиявий-хўжалик режасига асосан аниқланади.

Уюшманинг йиллик молиявий-хўжалик режаси уюшманинг ўз фаолиятини амалга ошириш учун бир йил давомида сарфлайдиган ҳаражатлари асосида тузилади.

Уюшманинг бир йил давомидаги ҳаражатлари меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, ягона ижтимоий тўлов (меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 25 % и), идоравий ҳаражатлар, суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш учун ҳаражатлар, сув оқимини ростлаш иншоотларини, сувни ўлчаш воситаларини қуриш ва таъмирлаш ҳаражатлари, асосий воситалар амортизацияси, заҳира фонди ва бошқа ҳаражатлардан ташкил топади.

Уюшма бир йиллик ҳаражатларининг умумий миқдори асосида хизмат кўрсатиладиган ҳудуднинг ҳар бир гектар майдонига (экин турлари бўйича) тўғри келадиган улуш аниқланади.

Улуш уюшма хизмат кўрсатадиган ҳудуддаги ҳар бир сув истеъмолчиси томонидан тўланадиган бадалнинг миқдорини аниқлаш учун асос сифатида хизмат қилади.

Фермер хўжаликлари томонидан тўлананадиган бадалнинг миқдори ҳудудда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик экинларининг даромадлилигини ҳисобга олган тарзда аниқланади.

Бадалнинг қиймати экинлар турлари бўйича қуйидагича белгиланиши мумкин:

экин тури	минг сўм/га
пахта	20 – 25
буғдой	30 – 35
бошқа донли экинлар	50 – 60
мевалар	65 – 75
сабзавот ва полиз экинлари	55 – 60
озуқа экинлари	40 – 45

## **Сув истеъмолчилари уюшмасининг сув истеъмолчилари билан шартномавий ҳамкорлик қилишининг қонуний асоси**

Сув истеъмолчилари уюшмалари сув истеъмолчиларига сув етказиб бериш хизмати кўрсатиш бўйича фаолиятини шартнома асосида тартибга солади.

Бу амалиёт Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонунининг (06.05.1993 й. № 837-XII) 18-2 моддасида: “Сув истеъмолчилари уюшмаси ва унинг хизмат кўрсатиш зонасида жойлашган аъзолари, шунингдек бошқа қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда ўзга юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги сувга доир муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади”, - дейилган қоида тарзида белгилаб қўйилган.

## **Уюшманинг фермер хўжаликлари билан шартномавий муносабатлари**

Уюшманинг аъзолари – фермер хўжалиklarининг ер майдонларига сув етказиб бериш хизматлари учун тўлов миқдори уюшманинг умумий йиғилишида муҳокама қилинади ва тасдиқланади.

Фермер хўжалиги экин майдонлари тўғрисидаги маълумотлар ва улар учун белгиланган бадал миқдори асосида уюшма ва фермер хўжалиги ўртасида сув етказиб бериш хизматини кўрсатиш бўйича шартнома тузилади.

Сув етказиб бериш хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартномани бир томондан фермер хўжалиги раҳбари (буюртмачи) ва иккинчи томондан сув истеъмолчилари уюшмасининг раҳбари (базарувчи) имзолайдилар.

Фермер хўжалиги (сув истеъмолчиси - буюртмачи) уюшма томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг шартномавий қийматининг 15 % идан кам бўлмаган миқдордаги маблағни олдиндан уюшма ҳисоб рақамига ўтказиши лозим. Бунинг учун фермер хўжалиги тузилган шартномани банк муссасасида рўйхатдан ўтказди ва тўлов топшириқномасини расмийлаштиради ва тўловни амалга оширади.

Шартнома қийматининг қолган қисми бўйича тўловлар уюшма томонидан ҳар чорақда амалда кўрсатилган хизматлар учун далолатномалар тузиш орқали амалга оширилади. Бунда фермер

хўжалиги сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар миқдорини тасдиқлайди, хизматни қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳисоб - фактура тузилади ва ҳисоб - фактура фермер хўжалиги томонидан банк муассасасига тақдим қилинадиган тўлов – топшириқномасига илова қилинади.

### **Уюшманинг маҳалла фуқаролар йиғинлари (аҳоли томорқалари) билан шартномавий муносабатлари**

Маҳалла фуқаролар йиғини ўз ҳудудида истиқомат қиладиган аҳоли томорқа ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлар билан уюшма фаолиятини йўлга қўйишда тўлиқ иштирок этади.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги томорқа ерларига уюшма томонидан сув етказиб бериш хизматлари учун тўлов миқдорини томорқа майдонининг 0,01 га (сотих) қисмини мавсум давомида суғориш учун 650-750 сўм миқдорида белгилаш тавсия этилади. Демак, 0,1 га (10 сотих) томорқа майдонини мавсум давомида суғориш учун 6 500-7 500 сўм миқдорида тўлов миқдори белгиланиши мумкин.

Аҳоли томорқа ер майдонларига сув етказиб бериш хизматлари учун тўлов миқдори уюшманинг умумий йиғилишида муҳокама қилинади ва тасдиқланади.

Аҳоли томорқа ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлар ва улар учун белгиланган бадал миқдори асосида уюшма ва маҳалла фуқаролар йиғини ўртасида сув етказиб бериш хизматини кўрсатиш бўйича шартнома тузилади.

Шартномада аҳолига қарашли томорқа ерларининг умумий суғориладиган майдони, ҳар бир томорқа ер майдонига сув етказиб бериш нархи ва сув истеъмолчилари уюшмасининг сув етказиб бериш хизматларининг умумий қиймати кўрсатилади.

Сув етказиб бериш хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартномани бир томондан маҳалла фуқаролар йиғини раиси (буюртмачи) ва иккинчи томондан сув истеъмолчилари уюшмасининг раҳбари (бажарувчи) имзолайдилар.

Маҳалла фуқаролар йиғини тузилган шартнома ва сув етказиб бериш хизмати учун тўланиши лозим бўлган бадаллар тўғрисида томорқа ер эгаларини ёзма равишда хабардор қилади.

## **Сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун сув истеъмолчиларидан тўловларни ундириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1154-сонли қарорининг 1-бандида “Барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган маҳсулот (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши тақиқлансин ...” деб кўрсатилган.

Қарорга асосан, сув истеъмолчилари, хусусан фермер хўжаликлари сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларни олдиндан амалга оширишлари лозим.

Фермер хўжалиги сув етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномани имзоланганидан кейин, шартнома умумий қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўловни амалга ошириши лозим. Бунинг учун фермер хўжалиги тўлов топшириқномасини расмийлаштириб ўзига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига тақдим қилади. Тўлов топшириқномасида сув етказиб бериш бўйича тузилган шартноманинг санаси, рақами ва тўланадиган пул миқдори аниқ кўрсатилиши лозим.

Сув етказиб бериш хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома қийматининг қолган қисмлари йилнинг ҳар чорагида ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар (етказиб берилган сув) учун далолатномаларни расмийлаштириш асосида тўланади. Кўрсатилган сув етказиб бериш хизматининг аниқ қийматини ифодаловчи далолатнома уюшма ва хўжалигининг раҳбарлари томонидан тузилади ва тасдиқланади.

Расмийлаштирилган далолатномада тўлаш учун кўрсатилган пул маблағи қийматига мос миқдор учун ҳисоб-фактура тузилади ва фермер хўжалигига тақдим этилади. Фермер хўжалигининг масъул ходими имзолаган ҳисоб-фактура кўрсатилган сув хўжалиги хизмати учун маблағни уюшманинг ҳисоб-рақамига ўтказиб берилиши учун асос бўлади.



Фермер хўжалиги томонидан шартнома бандлари бажарилмаган, яъни кўрсатилган сув хўжалиги хизматлари учун ҳақ ўз вақтида тўланмаган ҳолатларда уюшма ўзининг сув етказиб бериш хизматлари учун сув истеъмолчиси билан ўзаро қарздорлик мавжудлиги тўғрисида солиштирама далолатномасини тузади ва унга асосан тўлов талабномасини расмийлаштиради ва хизмат кўрсатувчи банк муассасасига инкассага қўяди.

Тўлов талабномасини инкассага қабул қилган хизмат кўрсатувчи банк фермер хўжалигини унинг ҳисоб рақамига тўлов (инкасса) талабномаси қўйилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

Банк муассасаси фермер хўжалигининг ҳисоб-рақамига пул маблағлари келиб тушиши биланоқ, талабномада кўрсатилган маблағни сув истеъмолчилари уюшмаси ҳисоб-рақамига ўтказиб бериши шарт.

Сув истеъмолчилари уюшмасининг кредитор қарздорлиги катта бўлган ҳолларда унинг давлат бюджети ва бошқа давлат жамғармалари олдидаги кредитор қарздорлиги уюшманинг дебитор қарзлари ҳисобидан камайтирилиши мумкин.

Бунинг учун сув истеъмолчилари уюшмаси туман солиқ инспекциясига ўзининг қарзларини фермер хўжаликлари ҳисобидан ундирилиши мумкинлиги тўғрисидаги хат билан мурожаат қилади. Хатда уюшманинг солиқлардан қарзлари миқдори кўрсатилади ҳамда илова тарзида уюшма ва фермер хўжалиги ўртасида ўзаро қарздорлик мавжудлиги тўғрисида тузилган солиштирама далолатнома тақдим қилинади. Давлат солиқ идоралари фермер хўжалигининг ҳисоб-рақамидан маблағларини ечиб олиш ваколатига эга.

Сув истеъмолчилари уюшмаси ва фермер хўжалиги ўртасидаги шартноманинг бандлари фермер хўжалигининг айби билан бажарилмаган ҳолларда, уюшма фермер хўжалигидан ўз дебиторлик қарзларни ундириб олиш учун судларга мурожаат қилиши мумкин.

Бунда сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан судларга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- сув истеъмолчилари уюшмаси ва фермер хўжалиги (сув истеъмолчиси) ўртасида сув етказиб бериш хизматини кўрсатиш тўғрисида тузилган шартноманинг асл нусхаси;

- сув истеъмолчилари уюшмасининг сувдан фойдаланиш режаси;
- сув етказиб бериш хизмати кўрсатилганлиги тўғрисида расмийлаштирилган далолатнома;
- керак бўладиган бошқа ҳужжатлар.

*Эслатма: суд жараёнида давогар (сув истеъмолчилари уюшмаси) ютиб чиққан тақдирда, суд жараёнлари билан боғлиқ бўлган барча харажатлар жавобгар (сув истеъмолчиси - фермер хўжалиги) томонидан қопланади.*

Сув истеъмолчилари уюшмасининг сув етказиб бериш хизматлари учун тўловни сув истеъмолчиларидан ундириш жараёнини схематик тарзда тўртта босқич кўринишда ифодалаш мумкин.

Схемада кўрсатилган тартибнинг биринчи ва иккинчи босқичлари шартномавий муносабатлар муаммосиз ҳолда юритиладиган одатдаги ҳолатларни акс эттиради.

Схемадаги учинчи ва тўртинчи босқичлар шартномани юритишнинг биринчи ва иккинчи босқичларда кўрсатилган ҳолатларини бажаришда муаммо юзага келган ҳолларда фаоллаштирилади.

Уюшманинг сув етказиб бериш хизматлари учун сув истеъмолчиларидан тўловларни ундиришнинг босқичлари схема кўринишида қуйида келтирилган.



## Уюшманинг сув етказиб бериш хизматлари учун сув истеъмолчиларидан ҳақни ундиришнинг босқичлари

### I. Сув етказиб бериш хизмати учун олдиндан тўлов

*Зарур бўладиган ҳужжат:*

- сув истеъмолчилари уюшмаси ва сув истеъмолчиси (фермер хўжалиги) ўртасида сув етказиб бериш хизматини кўрсатиш тўғрисида тузилган шартнома.

*ПФ-1154-сонли қарорга асосан шартнома қийматининг 15 % ига тенг маблағ шартнома имзоланиши билан СИУ ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши шарт.*



### II. Ҳақни сув етказиб бериш бўйича амалда кўрсатилган хизматларни далолатлаш асосида ундириш

*Зарур бўладиган ҳужжатлар:*

- сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан сув истеъмолчисига (фермер хўжалиги) сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматнинг олди-берди далолатномаси;
- сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-фактура.

*агар II босқич бажарилмаса*



### III. Ҳақни тўлов талабномаси (инкасса) ёрдамида ундириш

*Зарур бўладиган ҳужжатлар:*

- сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан сув истеъмолчисига (фермер хўжалиги) сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китобларни солиштирма далолатномаси;
- сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўлов-талабномаси;

*Тўлов талабномасида ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномасининг санаси ва рақами кўрсатилиши шарт.*



*агар III босқич бажарилмаса*



### IV. Ҳақни (солиқларни тўлаш учун етадиган қисмини) давлат солиқ инспекцияси (ДСИ) ёрдамида ундириш

*Зарур бўладиган ҳужжатлар:*

- туман ДСИ номига хат;
- сув етказиб бериш хизматлари учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси.

### IV. Ҳақни суд қарори ёрдамида ундириш

*Зарур бўладиган ҳужжатлар:*

- судга мурожаат хати;
- СИУ ва сув истеъмолчиси ўртасида тузилган шартнома;
- ишларни бажарилганлиги тўғрисидаги далолатнома;
- сувни олди-берди далолатномаси;
- ҳисоб-фактура;
- ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси;
- сувдан фойдаланиш режаси;
- керак бўладиган бошқа ҳужжатлар.

## **Маҳалла фуқаролар йиғинларидан (аҳоли томорқаларидан) сўв етказиб бериш хизмати ҳақини ундириш**

Маҳалла фуқаролар йиғини томорқа ер эгаларини тузилган шартнома ва сўв етказиб бериш хизмати учун тўланиши лозим бўлган тўлов тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиб боради.

Маҳалла фуқаролар йиғини сўв истеъмолчилари уюшмасининг сўв етказиб бериш хизматлари учун пул маблағларини йиғиш бўйича масъул шахсни тайинлайди. Масъул шахс сўв истеъмолчилари уюшмасининг масъул ходими билан биргаликда аҳолидан кўрсатилган сўв етказиб бериш хизмати учун пул маблағларини йиғиб олади ва йиғиб олинган пул маблағлари учун касса кирим ордерини ёзиб, уни бир бўлагини томорқа ер эгасига тақдим этади.

Сўв истеъмолчилари уюшмасининг масъул ходими йиғилган пул маблағларини сўв истеъмолчилари уюшмаси ғазнаси (касса) га топширади. Сўв истеъмолчилари уюшмалари ҳисобчиси йиғилган пул маблағларини банкка топшириш учун чиқим ордерини ёзиб, ғазначи (кассир)га беради, ғазначи (кассир) пул маблағларини банкка топшириши шарт. Ёки имконият мавжуд бўлса инкассатор орқали пул маблағларини банкка топшириши мумкин.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва сўв истеъмолчилари уюшмаси раҳбари пул маблағларини йиғадиган масъул шахснинг ишини рағбатлантириш мақсадида унга мукофот пули тўлашга келишишлари мумкин.

Рағбатлантириш пулининг миқдори уюшманинг умумий йиғилишда муҳокамадан ўтказилади ва умумий мажлис қарори билан тасдиқланади.

## **Ҳурматли сув истеъмолчиси!!!**

**Сув истеъмолчилари уюшмасининг сув етказиб бериш хизматлари учун тўловлар олдиндан, тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда тўланмаса, уюшма сув истеъмолчисига сув етказиб бериш хизмати кўрсатишни тўхтатишга ҳақлидир!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сонли “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори



# **“Сув истеъмолчилари уюшмаларининг молиявий ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар”**

*Тавсиялар Давлатлараро Сув хўжалигини Мувофиқлаштириш  
Комиссияси Илмий ахборот маркази (НИЦ МКВК) томонидан олиб  
борилаётган таҳлилий – тадқиқотлар натижаси сифатида  
тайёрланган.*

*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги  
Сув хўжалиги Бош бошқармаси томонидан  
Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятида  
фойдаланиш учун тавсия қилинган.*

**ДАВЛАТЛАРАРО СУВ ХЎЖАЛИГИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ  
КОМИССИЯСИ ИЛМИЙ АХБОРОТ МАРКАЗИ (НИЦ МКВК)**

Директор:     Духовний В.А. – техника фанлари доктори, профессор

Манзил: Тошкент шаҳри, Қорасув-4 мавзеси, 11-уй,  
Тел: (0-371) 265 92 95  
      (0-371) 266 41 96